

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/Т.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ЮНУСОВ САЛОХИДДИН ЗУНУНОВИЧ

**АРРАЛИ ЖИНЛАРНИНГ САМАРАЛИ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ ВА
МЕХАНИЗМЛАРИ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ҲАМДА
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ҲИСОБЛАШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва
робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторский (DSc) диссертации
Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Юнусов Салохиддин Зунунович

Аррали жинларнинг самарали ишчи органлари ва механизмлари
конструкцияларини ишлаб чиқиш ҳамда параметрларини
ҳисоблашнинг илмий асосларини такомиллаштириш..... 4

Юнусов Салохиддин Зунунович

Разработка эффективных конструкций и совершенствование научных
основ расчета параметров рабочих органов и механизмов пильных
джинов..... 25

Yunusov Saloxiddin Zununovich

Development of efficient designs and improved scientific approach to
estimate the parameters of saw Gin mechanisms..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 50

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ЮНУСОВ САЛОХИДДИН ЗУНУНОВИЧ

**АРРАЛИ ЖИНЛАРНИНГ САМАРАЛИ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ ВА
МЕХАНИЗМЛАРИ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ҲАМДА
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ҲИСОБЛАШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва
робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/T6 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Джураев Анвар Джураевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рудовский Павел Николаевич
техника фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Гуляев Ринат Амирович
техника фанлари доктори

Мухаммадиев Давлат Мустафаевич
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик - технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.03.04 рақамли илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгашнинг « 18 » июл 2017 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўч. 2, тел/факс (+99871) - 227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (22 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўч. 2, тел. (+99871)- 246-46-00

Диссертация автореферати 2017 йил « 05 » июл куни тарқатилди.
(2017 йил _____ № 22 рақамли реестр баённомаси).

К.А.Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.Д.Тураходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Ш.П.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда жаҳон бозорида пахта толасига бўлган талаб ортиб бормоқда. Пахта бўйича халқаро консультатив кўмитанинг (ICAC) маълумотларига қараганда ташқи бозорга пахта толаси етказиб бериш бўйича Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Бразилия ҳамда Ўзбекистон каби давлатлар етакчилик қилмоқда. 2017-2018 йил мавсумида жаҳон миқёсида пахта толаси етиштириш ўтган мавсумга нисбатан 5,1% (22,48 млн. тонна)га ортиши, толага талаб эса 1,7% (24,09 млн. тонна)га ортиши кутилмоқда. Пахтага дастлаби ишлов беришда асосан АҚШ, Хитой ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган технологик ускуналарда амалга оширилмоқда¹. Пахта ҳосилини етиштириш ҳажмининг барқарорлигини сақлаш ва жаҳон бозорида хомашё рақобатбардошлигини ошириш учун тола сифатини янада яхшилаш юқори самарадорликни намоён қилади.

Республикаимиз мустақилликка эришгандан буён юқори сифатли пахта толасини ишлаб чиқаришни таъминловчи технологик жараённинг юқори самарадорликка эга бўлган техника ва технологияларини яратишга оид бўлган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди. Бу борада пахта тозалаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори ва табиий сифатини сақлашни таъминлаш, хомашё ва энергия сарфини камайтириш имкониятини берадиган техника ва технологияларини яратишни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Жаҳонда чигитли пахтани жинлашда янги техника ва технологияларни янги намуналарини яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бунда пахта заводларининг асосий технологик машиналари ҳисобланган аррали жинларнинг юқори самарали ишчи органларини ишлаб чиқиш бўйича мақсадли йўналтирилган илмий-тадқиқотларни амалга ошириш, юқори намликдаги пахта хомашёсини жинлашда пахта толаси сифатини олиш бўйича параметрлар ва ишлаш режимларини ҳисоблаш усулларини яратиш соҳанинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 27 октябрдаги ПФ-4761-сон «Ўзпахтасаноатэкспорт холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги 70-сон «2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ниямалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

¹Catton: World Statistics. Bulletin of the international cotton advisory committee, NY, November 2015. www.icac.org

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи²

Пахта тозалаш саноати учун пахтани жинлашда янги техника ва технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қамровли илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Moss-Gorden Continental, «Platt Lummus», «Conti-ental Murray», «Samuel Jackson Mfg. Corporation», «Consolidated Cotton Gin Co.», «Continental Eagle Corporation» (АҚШ), Cotton reseach and devolepment corporation (Австралия), National Research Center for cotton processing engeeniring and technology, China Cotton Industries Limited, Handan Golden Lion, Cotton Research Institute of Nanjing Agricultural University, «Lebed» (Хитой), Тошкент тўқамачилик ва енгил саноат институти, «Пахтасаноат ilmiy markazi» акциядорлик жамияти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Пахта хомашёсини жинлаш техника ва технологиясига оид жаҳонда олиб борилган илмий-амалий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: АҚШ ва Ўзбекистонда арра тишларидан толани ҳаво ёрдамида ажратиш тизими МУ-171 (Хитой), 4ДП-130, 5ДП-130, ДР-119, ДПЗ-180 (Ўзбекистон), Люммусь-супер 128, Хердвик-Эттер (АҚШ) маркали аррали жинлари яратилган; кўп массали аррали цилиндрларнинг ҳисоблаш методлари ишлаб чиқилган (Кострома текстиль Академияси; Машинашунослик институти, Россия); пахтани қайта ишлаш технологик машиналарини тебранувчи ишчи органлари ҳаракат қонунлари олинган (Иванова текстил Академияси, Россия); иссиқлик ёрдамида чигитли пахтани қуритишда материал ичидаги буғланиш қонуниятлари илмий асосланган (Texas Tech University, АҚШ); пахтани қайта ишлаш машиналарини ҳисоблаш методлари ишлаб чиқилган (ТТЕСИ, АЖ «Пахтасаноат ilmiy markazi», Ўзбекистон).

Дунёда чигитли пахтани ўрта толали навларини жинлаш техника технологиясини такомиллаштириш бўйича қуйидаги қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: юқори намликдаги чигитли пахтадан тола ажратиш учун аррали жинларни такомиллаштириш; жинлаш жараёни ва арра тишларидан толани аэромеханик усулда ажратишнинг илмий асосларни яратиш; жинлаш режимлари ва ишчи параметрлар асослаш бўйича ҳисоблаш методлари, чигитни камерадан максимал чикишини таъминлайдиган хомашё валиги тезлаткичини ва параметрларини ҳисоблашнинг илмий асосларини яратиш, тебранувчи таркибли колосникларни ва тола сифатини максимал сақлайдиган юқори иш унумида ишлайдиган енгиллаштирилган аррали цилиндр конструкциясини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аррали жин ишчи органларининг ишлашидаги асосий муаммоларга тола чикишини камлиги, тола ва чигитни юқори даражада шикастланиши, камерадан тозаланган чигитни ажратиб олишни қийинлиги, юқори сарф қуввати, самаранинг пастлиги, юқори

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи http://www.samjackson.com/moisture_products; <http://www.bajajngp.com/humidifier.html>; <http://www.busa.com.br/Assistencia-Tecnica#>; <https://www.acronymfinder.com>, Journal of Cotton Science (2000-2015). The USA. The Cotton Foundation. Journal of Textile Science & Engineering. The USA (2001-2016) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

намликдаги пахтани жинлашни имкони йўқлиги киради. N.I.Kolchin, A.M.Martinenko, L.Gladinewiez, P.Pfieger, W.Pampel, G.Veit, H.H.Schommer, F.Reiner, J.Pfeifer, C.O.Jonkers, P.Bernard, A.P.Корабельников ва бошқа олимларнинг асосий назарий ва тажрибавий тадқиқотлари ушбу муаммони ечимига боғланган. Таъкидлаш лозимки, қайд этилган олимлар тадқиқодларида ишчи органлар параметрларини ва режимларини илмий асослаш, пахтадан келаётган юкланишни ўзгаришлари, пахтани намлиги, аррали цилиндр хомашё валиги тезлатгичи ва колосниклари инобатга олинмаган.

Толали материалларни қайта ишлаш техника ва технологиясини такомиллаштириш, аррали жинлар ишчи органларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш методларини ишлаб чиқиш, жинлаш жараёнини муқобиллаштириш қатор олимлар, жумладан Г.И.Мирошниченко, Р.Г.Махкамов, Э.Т.Максудов, И.К.Хафизов, Н.З.Камолов, А.Д.Джураев, Б.Г.Кодиров, А.П.Парпиев, Б.М.Мардонов, Х.Т.Ахмадхужаев, О.Махсудов, Р.М.Муродов, М.Т.Хожиев, Р.З.Бурнашев, П.Н.Тютин, Р.В.Корабельников, А.Е.Лугачев, М.М.Шукуров, Х.К.Турсунов, И.Г.Шин, Д.М.Мухаммадиев, Р.Х.Максудов ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган ва маълум даражада ижобий натижалар олинган.

Лекин, амалга оширилган тадқиқодлар фақат жинлаш технологияси, толани ажратиш олиш, тозалаш, чигитни ажратиш ва бошқаларга йўналтирилган. Шунингдек, аррали жин ишчи органларининг қайишқоқ элементларини бикрлик-диссипатив характеристикалари инобатга олинмаган, уларни жинлаш жараёнига таъсир ўрганилмаган. Шу билан бирга, аррали цилиндр ишчи органларини динамикасини тадқиқоти деярли олиб борилмаган. Юқоридагилардан аррали цилиндр, қайишқоқ таянчли колосник, хомашё валиги тезлаткичи динамикасини ҳамда юқори намликдаги чигитли пахтани жинлаш учун ишчи камера юзасини қиздириш ва ишчи органларнинг асосий параметрлари, режимларини асослаш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг илмий тадқиқот режасининг ОТ-Ф5-32 «Ўзгарувчан параметрли механизмларнинг синтези ва тахлилининг илмий асослари» (2006-2010); ИТД-15-061 «Майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш машиналарининг ишчи орган ва механизмларини янги юқори самарадор конструкциясини ишлаб чиқиш» (2008-2010); ЁА-3-05 «Аррали жиннинг самарали энергия тежамкор конструкциясини яратиш» (2012-2013); ЁА-9-4 «Момик ажратиш технологияси ва машиналарнинг ишчи органларининг конструкциясини такомиллаштириш» (2014-2015); А-3-34 «Янгича жинлаш усулида ишловчи ишчи камера билан жихозланган экспортпоб аррали жин» (2015-2017) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади аррали жин машинаси ишчи органлари ва механизмларининг самарали конструкцияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқоднинг вазифалари:

аррали жин самарали ишчи органларини ишлаб чиқиш (аррали цилиндр, хомашё валиги тезлатгичи, қайишқоқ таянчли колосник, ишчи камера, занжирли узатма ва бошқ.);

аррали цилиндр ва электр юритгич роторининг бурчак тезликларининг тебраниш қамров қийматларини аррали цилиндр ва пахтадан келаётган қаршилик ўзгаришини ташкил этувчисига боғлиқлик қонуниятларини ишлаб чиқиш;

қайишқоқ таянчга ўрнатилган подшипникли аррали цилиндр валини хусусий тебраниш частотаси ва амплитудасини ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш;

хомашё валиги массасини инобатга олган ҳолда аррали цилиндр вали эгилишини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиш;

қайишқоқ таянчли колосникнинг тебраниш қонуниятини аниқлаш асосида колосник тебраниш қонуни билан қайишқоқ элементнинг ночизикли бикрлиги орасидаги боғланишлар графигини илаб чиқиш;

юқори намликдаги пахтани аррали жин ишчи камерасида қисман қуритишни ўзига хослигини инобатга олиб иссиқлик узатиш ҳажмий коэффициентини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш;

аррали жин таркибли тезлатгич механизми бўлган машина агрегати динамик масаласини ечиш асосида айланувчи массаларнинг бурчак тезликлари қонуниятларини ишлаб чиқиш;

жин ишчи камераси ва хомашё валиги тезлатгичи параметрларини оптимал қийматларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида такомиллаштирилган аррали жин, унинг ишчи органлари ва юритиш механизмлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети аррали жин ишчи органлари параметрлари ва ҳаракат режимларини ҳисоблаш методлари ва натижалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда технологик машиналар механикаси, тебраниш назарияси, пахтани қайта ишлаш технологияси, олий математика, назарий механика, теплофизика ва бошқа фанларнинг фундаментал услубларидан фойдаланилган, тажрибалар тензометрия, герконли ва температура датчиклари, тажрибаларни режалаштириш методлари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

аррали жиннинг ишчи органларини самарали ва ресурстежамкор конструкциялари ишлаб чиқилган;

аррали цилиндр ва электр юритгич ротори ҳаракат қонунлари аналитик усулда аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

қайишқоқ таянчли колосник тебраниш қонуниятини аналитик усулда аниқланган, асосий параметрлари ишлаб чиқилган;

пахтадан келаётган тасодифий қаршилик, ночизикли бикрликка эга бўлган таянчли инобатга олиш усули ишлаб чиқилган;

аррали жин ишчи камерасидаги чигитли пахта ва ишчи орган орасидаги ишқаланишни камайтириш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

жиннинг юқори иш унумида пахта толасини юқори сифатини таъминлайдиган тавсия қилинган ишчи органлари параметрлари ва ишлаш режимлари асосланган;

ишчи камера деворларини қиздириш йўли билан юқори намликдаги пахта хомашёсини жинлаш методи ва технологияси ишлаб чиқилган;

ишчи камерадан таркибли қайишқоқ элементли тезлатгични қўллаш йўли асосида пахта чигитини интенсив ажратиш методи ишлаб чиқилган;

жин ишчи зонасида қайишқоқ таянчларга ўрнатилган тебранувчи колосникларни қўллаш йўли билан пахта чигитидан толани ажратишни интенсивлаштириш методи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги назарий ва тажрибавий изланишлар натижаларини мутаносиблиги, тавсия этилган ишчи органлари бўлган аррали жинни ишлаб чиқариш синовлари ва мавжуд аррали жинлар кўрсаткичлари билан солиштириш натижалари билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Аррали жиннинг тавсия этилган ишчи органлари ҳаракатларини ифодаловчи динамик ва математик моделлари олинганлиги, масалаларни сонли ечимлари асосида ҳаракат қонунлари ва параметрларини боғланишлари, ишлаш режимларини олишбўйича тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамиятини ташкил қилади. Такомиллаштирилган аррали жиндан юқори сифатли пахта толасини жинлаш жараёнини интенсивлаштириш ҳисобига юқори иш унумида олиш, ишлаш ресурсини ошириш, юритгич сарф қувватини камайтириш бўйича тадқиқотлар натижалари, ҳамда юқори намликдаги пахта хомашёсини жинлаш учун яратилган жиннинг қиздириладиган ишчи камераси конструкцияси ва технологияси ишни амалий аҳамиятини ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Жинланган чигитларни ишчи камерадан чиқишини тезлаштириш ва тола ажратиш жараёнини яхшилаш учун самарали ишчи органли ва юритмали аррали жин ишлаб чиқиш технологияси асосида:

аррали жин хомашё валиги тезлаткичини яратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган («Хомашё валги тезлаткичи», №IAP03021, 2005й). Илмий-тадқиқот натижасида хомашё валиги тезлаткичи самарали ишчи камера ишлаб чиқиш имконини берган;

хомашё валиги тезлаткичи ва аррали жин ишчи камераси «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси таркибидаги Сирдарё вилоятининг «Бахт», Тошкент вилоятининг «Қорасу» корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун жорий этилган («Ўзпахтасаноат-экспорт» холдинг компаниясининг 2017 йил 8 июндаги МА-02/1082-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган аррали жин ишчи органлари пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқаришда қўллаш иш унумдорлигини 1,0–1,1 кг тола/соатга ошириш, толани ифлосланганлик даражасини 0,6% га камайтириш,

чигитларнинг механик шикастланганлигини 0,5% камайтириш, толанинг штапель узунлигининг 0,2 мм га ошириш имконини берган;

аррали жин учун янги занжирли узатма конструкцияси «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси таркибидаги Сурхондарё вилоятининг «Сариосиё» заводига жорий этилган («Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясининг 2017 йил 8 июндаги МА-02/1082-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган аррали жин юритмасида қўйилган занжирли узатма иш унумдорлигининг 5,0–7,0% га ошиши имконини берган..

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 46 та илмий-техник конференцияларда шу жумладан 16 та халқаро ва республика илмий семинарларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 49 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, 2 та монография нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 6 та патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Аррали тола ажратгичларнинг ишчи органларини такомиллаштириш бўйича ишлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобда адабиётлар манбаларини аналитик таҳлиliga боғланган бўлиб, жумладан пахта хомашёсини аррали тола ажратгичлари ишчи органлари конструктив хусусиятлари, жинлаш зонаси ишчи элементларини конструктив камчиликлари берилган. Бунга қарамасдан Р.Г.Махкамов, Г.И.Болдинский, П.Н.Тютин, В.С.Кан, А.Джураев, Р.Мурадов, М.Тиллаев, Х.Т.Ахмедхаджаев, И.Г.Шин, Р.Ф.Юнусов, К.Сабиров, С.Сулайманов, М.Агзамовларнинг илмий изланишларида жинлаш, хомашё камераси режимини асослаш, аррали цилиндр, колосникларини параметрлари, чигитни чиқаргич ва тишлардан толани чиқариб олиш жараёни, толани ажратиш ва жиннинг ишчи органлари конструкцияларини такомиллаштириш бўйича қатор масалалар кўрилган. Лекин тола ажратиш, аррали жинларнинг ишчи органларини технологик, кинематик ва динамик параметрларини асослаш, машинани юқори унумда тола ва чигитни табиий хусусиятларини сақлаган холдаги динамик тадқиқотлар кўриб чиқилмаган.

Шунинг учун аррали жин ишчи органларини (аррали цилиндр, колосниклар, хомашё валиги тезлатгичи, ишчи камера, цилиндр юритгичи) такомиллаштириш ва ишлаш режимларини ҳисоблаш методларини ишлаб чиқиш соҳанинг муҳим илмий муаммоси ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Аррали жинларни ишчи органлари ва юритиш механизмларини самарали конструктив схемаларини ишлаб чиқиш**» деб номланган бобда аррали жиннинг ишчи органлари ва юритиш механизмларининг ишлаб чиқилган янги конструктив схемалари келтирилган.

Тавсия қилинган аррали цилиндр вал 1, унга камида битта шпонка 2 орқали ўрнатилган аррали дисклар 3 ва улар орасидаги прокладкалар 4 дан иборат (1а-расм). Арралар орасидаги прокладкалар 4 айланиш ўқиға эксцентрик ҳолатида ўрнатилган. Бунда қўшни прокладкалар 4 ўзаро $2\pi/n$ (бу ерда $\pi=3,14$ ва n -аррали цилиндрдаги прокладкалар сони) бурчакка сурилган. Таклиф этилган аррали цилиндр қуйидагича ишлайди. Аррали диск 3 таъминлагичдан келаётган толали массадан толалар тўпланини олиб олиб колосниклар орқасига олиб ўтади, прокладка 4 ларнинг эксцентриситети ҳисобига толалар тўплами радиал йўналишда тебранади. Бунда прокладка 4 билан чигитни урилиши натижасида толаларни чигитдан узилиши осон бўлади, жинлаш самаралси ортади. Тола ажратишни текислаш ҳамда жараёни монотонлигини йўқотишни таъминлаш учун қўшни прокладка 4 лар орасидаги эксцентриситетлар силжиш бурчаги $2\pi/n$ қилиб олинган. Бундан ташқари, ишлаш жараёнида тозаланган чигитлар қўшимча тебранишлар ҳисобига тезда ажралиб чиқади ва жинлаш зонасидан чиқариб юборилади.

Катта бўлмаган сарф қуввати билан толани ажратиш жараёнини жадаллаштиришга имкон берувчи аррали цилиндрни енгиллаштирилган варианты лойиҳаланган ва тайёрланган.



а-жиннинг аррали цилиндри

б - айланувчи валларни тебранишларини сўндирувчи таянч


1- расм. Жиннинг аррали цилиндри

Жиннинг аррали цилиндр валига радиал ва ўқ бўйлаб таъсир қилувчи кучлар таъсиридаги конструкция элементлари тебранишларини камайтириш муҳим ҳисобланади. Валларнинг тебранишларини сўндирувчи таянч корпус 1 га вал подшипник 4 лари кесик корпус шаклидаги қайишқоқ втулкалар 2,3 орқали ўрнатилган қайишқоқ втулкалар 2,3 мойга чидамли резинадан тайёрланган. Ишлаш жараёнида аррали цилиндр валига қуйидаги юкланишлар таъсир қилади: юритувчи момент, оғирлик кучи, мувозанатланмаган

массаларнинг инерция кучлари, ишқаланиш кучлари, технологик юкланишлар ва бошқалар. Кучларнинг тенг таъсир этувчиси радиал ва ўқ бўйлаб йўналган бўлиши мумкин. Ушбу кучлар корпус 1 га подшипник 4 ва қайишқоқ втулка 2,3 лар орқали таъсир қилади. Қайишқоқ втулкалар 2 ва 3 мавжудлиги корпус 1 га таъсир кучини камайтиради.

Бунда вал 5 ни эгилиш қиймати қисман радиал кучланишни пасайиши ҳисобига камаяди. Қайишқоқ втулка 2 ва 3 ларнинг асослари d ва D диаметрли бўлган кесик конус шаклида бажарилиши ўқ бўйлаб йўналган кучларни ютилишига имкон беради.

Юқори намликдаги пахта хомашёсини жинлаш жараёнини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун деворлари қиздирилган ишчи камераси ишлаб чиқилди (2а - расм). Камера бурила олиш имкониятига эга бўлган уч қисмли олд фартук 1, унга бириктирилган ўз ўқи атрофида айлана оладиган чигит сургич 2, тишлари колосник 4 лар орасига кирган аррали цилиндр 3, икки қисмдан иборат кўндаланг брус 5, камера ичида жойлашган тезлатгич 6 дан иборат. Тезлатгич 6 валга тишли дисклар ва улар орасида прокладкалар ўрнатилган. Брус 5 ва олд фартук 1 ичида электр 7 қиздиргичлар, ички деворлари юзаларида температура датчиклари 8 ўрнатилган.



а - аррали жиннинг янги ишчи камераси

б - тола ажратгич учун аралаштиргич


2-расм. Аррали жиннинг янги конструкцияси

Олд фартук 1 ва кўндаланг брус 5 сиртига иссиқликни изоляция қилувчи қопламалар 9 қўйилган. Олд фартук 1 ва кўндаланг брус 5 ни қиздириш ва температурасини ушлаб туриш электр қиздиргич 7 лар орқали амалга оширилади. Ушбу электр 7 қиздиргичлар олд фартук 1 ва кўндаланг брус 5 ички қисмига ўрнатилган. Шунингдек температура датчик 8 лар ҳам олд фартук 1 ва кўндаланг брус 5 ичига ўрнатилган. Ушбу юзалар хомашё валиги билан контактда бўлмайди, фақат температура регуляторида сигнал беради ҳолос. Қиздириш элементларини мавжудлиги олд фартук 1 ва кўндаланг брус 5 ларнинг юзаларини қиздиради. Жиннинг ишлаш жараёнида толали

чигитларни ишчи камера юзаси билан контактида ундан жадаллик билан намлик буғланади. Толали материалдан ажралган намлик пахта ва ишчи камера юзаси билан маълум буғ қатлами ҳосил қилади, бу ишқаланувчи юзалар орасини мойлаш учун хизмат қилади, натижада ишқаланиш кучи камаяди. Ишқаланиш кучининг камайиши хомашё валиги айланиш тезлигини оширади. Жинлаш назариясидан маълумки, хомашё валиги айланиш тезлигини ортиши жиннинг иш унумини кўпайишига олиб келади.

Жинлаш жараёни асосий шартларидан хомашё валигини ўзгармас айланишини ҳосил қилишдан иборат. Унинг айланиши аррали цилиндр ёки махсусюртма орқали амалга оширилади. Тезлатгичнинг қайишқоқ элементли самарали конструкцияси тавсия қилинган. Конструкция вал 1 га қайишқоқ втулка 3 орқали оғма ҳолатида ўрнатилган тишли диск 2 лардан иборат. Бунда диск 2 лар оралиқларида бўртиб турган 4 куракчалар ўрнатилган. Куракча 4 лар айлана бўйлаб 45° қадам секциялар оралиғида жойлашган. Куракча 4 лар бир бутун 3 секциялар холида бажарилган (2б-расм). Тишли диск 2 лар ва куракча 4 ларни керакли частотада толали чигитга таъсир қилиб тозаланган чигитларни ажратиб, чиқариб юборишга ҳамда хомашё валигини толали чигитларни аралаштиришдаги ўртача айланиш тезлигини сақлашга олиб келади. Бунда толали чигитларни жиннинг аррали цилиндрга босими ортади.

Толани чигитданг ажратишда колосникли панжара ёрдам беради. Аррали жин тебранувчи колоснигини ишончлигини ошириш учун такомиллаштирилган конструкцияси тавсия қилинган (3-расм). Пахтани жинлашда колосник 1 га толани чигитдан ажратиш қаршилик кучи таъсир қилади. Бунда колосник 1 эластик элемент 3 ҳисобига тебранма ҳаракат қилади. Колосник 1 нинг ушбу тебранишлари толани чигитдан ажратишини жадаллаштиради. Жиннинг иш унуми ортиши билан колосник 1 га тушадиган таъсир кучи ҳам ортади. Бунда эластик элемент 3 ни икки 4,5 қисмдан иборат қилиб тайёрланиши колосник 1 нинг тебраниш амплитудасини ортиб кетишини чегаралайди. Буни қайишқоқ элементнинг чап 4 қисмини бикрлиги юқорироқ резинадан тайёрланганлиги таъминлайди. Ҳамда чап қисм 4 ни брус 2 га бириктирилган қисмини катта асоси трапециодал шклида қилинганлиги таъминлайди.



3-расм. Аррали жиннинг чизиқсиз бикрликка эга бўлган қайишқоқ таянчли консол колосниги

Аррали жинларда ишчи цилиндр ҳаракатни муфта орқали 75 кВт қувватли электр эритгичдан олади. Ўтиш жараёнларида, айниқса пахтани тикилишида юритувчи двигател ишдан чиқиши мумкин. Шунинг учун жин юритмасида занжирли узатмани ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Занжирли узатма ишончлигини ошириш, текис ҳаракатини таъминлаш масаласини биз ўзи мосланувчи таранглаш қурилмасини ишлатиб амалга оширдик.

Занжирли узатмада қайишқоқ втулкали таркибли таранглаш ролиги ўқга ўрнатилиб, вертикал йўналишда силжиши мумкин.

Диссертациянинг «**Жиннинг аррали цилиндри параметрларини ҳисоблашнинг назарий асослари**» деб номланган учинчи бобида 4ДП-130, 5ДП-130, 6ДП-210 ва бошқа аррали жинларнинг кинематик схемаларини таҳлили, ҳамда жиннинг аррали цилиндр икки массали машина агрегати динамикасини моделлаштириш методикаси келтирилган.

Жиннинг аррали цилиндри икки массали машина агрегати ҳаракатини ифодаловчи дефферинциал тегламалар системаси билан ифодаланлади. Система ҳаракатини ифодоловчи дифферинциал тенгламалар системасини ёзамиз:

$$\begin{aligned} I_d \ddot{\varphi}_d &= M_d - c(\varphi_d - \varphi_1); \quad I_1 \ddot{\varphi}_1 = c(\varphi_d - \varphi_1) - M_c \\ M_d &= \frac{M_n \omega_0}{\omega_0 - \omega_n} - \frac{M_n}{\omega_0 - \omega_n} \dot{\varphi}_d; \quad M_c = M_1 + M_0 \sin \alpha t \end{aligned} \quad (1)$$

бу ерда M_1 ва M_0 – қаршилик моментини ўзгармас ташкил этувчиси ва ўзгарувчан ташкил этувчиси амплитудаси; M_d , M_n – электр юритгичнинг юритувчи моменти ва уни номинал қиймати; $\dot{\varphi}_d$, φ_1 – юритгич ротори ва ишчи орган бурчак силжишлари; ω_0 , ω_n – роторни бурчак тезлигини юкланишсиз ва номинал қийматлари; c – қайишқоқ узатманинг бикрлик коэффициентини.

Система (1) нинг ечими аналитик усулда олинган кўриниши қуйидагича бўлади:

$$\begin{aligned} \varphi_d &= c_1 e^{\lambda_0 t} + c_2 e^{\lambda_1 t} + e^{kt} (c_3 \cos pt + c_4 \sin pt) + A_1 t + A_2 \sin \theta t + A_3 \cos \theta t \quad (2) \\ \varphi_1 &= \frac{I_d}{c} (A_3 \theta^2 \cos \theta t - A_2 \theta^2 \sin \theta t) + \frac{M_n}{c(\omega_0 - \omega_n)} (A_1 + A_2 \theta \cos \theta t - A_3 \theta \sin \theta t) \\ &\quad + A_1 t + A_2 \sin \theta t + A_3 (1 + \cos \theta t) - \frac{M_n \omega_0}{c(\omega_0 - \omega_n)} \end{aligned}$$

(2) ни сонли ечими ва аррали цилиндр ва электр юритгич ротори бурчак тезликларини ўзгаришларини аниқлашда параметрларнинг қуйидаги қийматлари қабул қилинган: $J_{дн} = 0,0812 \text{ кгм}^2$; $J_n = (1,5 \dots 7,2) \text{ кгм}^2$; $c = (4,5 \dots 6,5) \cdot 10^2 \text{ Нм/рад}$; $\cos \varphi = 0,85$; $f = 50 \text{ Гц}$; $p = 3$, $\frac{M_n}{M_H} = 1,4$; $\frac{M_{max}}{M_H} = 1,8$; $n = 735 \frac{\text{об}}{\text{мин}}$, $N = 75 \text{ кВт}$, $\omega_0 = 78,54 \text{ с}^{-1}$; $S_k = 0,075$.

Масалани ечими асосида аниқландики, аррали цилиндр инерция моменти $4,5 \text{ кгм}^2$ бўлганда икки массали система барқарор режимга $(0,08 \dots 0,12) \text{ с}$ да чиқади.

Жиннинг иш унуми ортиши билан аррали цилиндр ва юритгичга бўлган юкланиш кўпайди. Жумладан M_1 ни $1,85 \cdot 10^2 \text{ Нм}$ дан $7,1 \cdot 10^2 \text{ Нм}$ гача ортирганимизда тезлик қамрови $\Delta \dot{\varphi}_1$, $1,4 \text{ рад/с}$ дан $11,8 \text{ рад/с}$ гача кўпаяди,

бунда $M_0 = 25\text{Нм}$. Шунингдек, қаршилик амплитудаси $M_0 = 45\text{Нм}$ гача ортганда бурчак тезлик қамрови $\Delta\dot{\phi}_1 = 16,9\text{рад/с}$ гача кўпаяди. Мос равишда $\Delta\dot{\phi}_1$ нинг ўзгариши понасимон тасмали узатма (муфта ёки занжирли узатма) орқали электр юритгич ротори ўтади. Бунда $M_0 = 25\text{Нм}$ бўлганда $\Delta\dot{\phi}_p$ ни ортиши $3,2\text{рад/с}$ гача, $M_0 = 45\text{Нм}$ бўлганда, эса $\Delta\dot{\phi}_p$ қамрови $11,3\text{рад/с}$ гача кўпаяр экан. Тажрибалар натижаларига асосан аррали цилиндрни керакли бурчак тебранишлари ҳисобига $\Delta\dot{\phi}_1$ ни қиймати $(10...12)\text{рад/с}$ бўлганда толани чигитдан ажратиш самараси юқори бўлади. Бунда $\Delta\dot{\phi}_1$ нинг қийматларини янада ортиши пахта толасини шикастланишини кўпайишига олиб келади. Шунинг учун юкланишнинг тавсия қилинган қийматлари $M_1 = 600\text{Нм}$, $M_0 = 35\text{Нм}$ ҳисобланади.

Илмий тадқиқот таҳлили шуни кўрсатадики, $M_0=25\text{Нм}$ бўлганда J_n ни $0,75 \cdot 10\text{ кгм}^2$ гача ортиши аррали цилиндр бурчак тезлиги тебраниш қамрови ўзгариш оралиғини $0,061 \cdot 10^2\text{ рад/с}$ гача камайишига, $M_0 = 45\text{Нм}$ бўлганда $\Delta\dot{\phi}_1$ $0,083 \cdot 10^2\text{ рад/с}$ гача камаяди. Аррали жиннинг электр юритгич ротори бурчак тезлигига тебраниш қамров $M_0= 25\text{ Нмда}$ $0,11 \cdot 10^2\text{ рад/с}$ дан $0,043 \cdot 10^2\text{ рад/с}$ гача камайса, юкланиш $M_0 = 45\text{Нм}$ бўлганда $\Delta\dot{\phi}_p$ камайиши $0,0024 \cdot 10^2\text{ рад/с}$ гача бўлади. Аррали цилиндрнинг келтирилган инерция моментини тавсияқийматлари $(2,5...4,0)\text{ кгм}^2$ дан иборат.

Аррали цилиндр кўп массали ҳисобланиб у оғирлиги ярим тоннага яқин. Аррали цилиндрни 730 айл/мин билан айланишида мувозанатланмаган массалар ҳамда арра тишлари илиб олган толалар ҳисобига доим ўзгариб турувчи марказдан қочма куч ҳосил бўлади. Агар аррали цилиндр $0,5\text{ кг}$ толани бир вақтнинг ўзида колосник ортига олиб ўтиш даврида $0,16\text{ м}$ радиусида 730 мин^{-1} ҳисобига марказдан қочма куч ҳосил бўлади

$$P_u = m_x \cdot \left(\frac{\pi n_u}{30}\right)^2 \cdot \frac{D_u}{2}$$

бу ерда: m_x -бир вақтда илиб олинган толалар массаси; n_u - аррали цилиндрнинг айланишлар частотаси; D_u - аррали цилиндр диаметри.

Бунда ҳисоб китоблар бўйича $R_{\text{ц}}=467\text{ Н га тенг}$. Аррали цилиндрни вертикал йўналишда тебраниш амплитудаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:


$$a = \frac{a_{cm}}{\left|1 - \frac{\omega_u^2}{P_0^2}\right|}; P_0 = \sqrt{\frac{C_u}{m_u + m_x}}, \quad (3)$$

m_u -цилиндр массаси.

Аррали цилиндр подшипникларидаги реакция кучи амплитудаси қайишқоқ элемент деформациясини амплитудасига тўғри пропорционал бўлади.

$$R_{\text{дин}} = C_u \cdot a = \frac{R_{cm}}{\left|1 - \frac{\omega^2}{P_0^2}\right|}; \omega \neq P_0 \quad (4)$$

$G_{ц}$ -аррали цилиндрни падшипниклар билан бирга оғирлик кучи;
 $C_{ц}$ - таянчни бикрлик коэффициенти; m_x - аррали цилиндр арра тишлари билан
илиб олган толалар массаси; $\omega_{ц}$ -аррали цилиндрнинг бурчак тезлиги;
 $R_{ц}$ - цилиндр радиуси.



4-расм. Машина агрегатини барқарор ҳаракатга чиқиш вақти ва инерция моментини ўзгаришига қараб электор юритма ўтиши жараёнидаги қувват сарфини ўзгаришини боғлиқлик графиклари

Қайишқоқ таянч бикрлигини, аррали цилиндр массаси ва жин иш унумдорлигини танлаш билан аррали цилиндрни вертикал йўналишдаги тебранишларини максимал равишда сўндириш мумкин, бу падшипникларни ишлаш муддатини ортишига олиб келади.

Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики аррали жинда қувват сарфи машинанинг иш унумдорлигига ҳаракатга чиқишдаги ўтиш жараёни вақтига ҳамда тизимнинг келтирилган инерция моментига боғлиқ. Ҳомашё валиги тезлатгичи таркибли аррали жинда қувват сарфи 32,5 кВт соат/тонна тола.

ДП-130 оиласига мансуб жинларда 47,1 кВт соат/тонна тола, тавсия қилинаётган янги типдаги ҳомашё валиги таркибли тезлатгичи бўлган аррали жинда 31,9 кВт с/т толани ташкил этади. Юқоридагиларни инобатга олиб электор юритгич қувват сарфини камайтириш мақсадида аррали цилиндр инерция momenti (2,6÷3,5) кгм² бўлган қийматларини танлаш тавсия этилади.

Диссертациянинг **«Аррали жинни консол колоснигини тебранишларини тадқиқ қилиш»** деб номланган тўртинчи бобида назарий тадқиқотлар натижалари асосида аррали жиннинг қайишқоқ таянчга ўрнатилган консол колосниклари параметрларини асослаш бўйича изланишлар натижалари келтирилган. Тавсия қилинган колосник қайишқоқ таянч орқали консол ҳолатида ўрнатилган. Аррали жиннинг ишлаш даврида консол колосникка асосан жинланган пахтадан тасодифий кучлар таъсир қилади. Колосникни тебранишлари бир массали тизим кўринишда назарий томони ўрганиб чиқилган. Колосникка қуйидаги кучлар таъсир қилади: оғирлик кучи, инерция кучи, чигитли пахтанинг қаршилиқ ва қайишқоқлиги кучлари. Колосникни тебранишлари қуйидаги дифференциал тенглама орқали ифодаланади.

$$m\ddot{x} + c_1 x + \frac{c_2}{\mu} x^3 = F_0 \sin \omega t \quad (5)$$

бу ерда, m - колосникнинг келтирилган массаси; μ -ночизикликнинг доимий коэффициентлари; $F_0 \sin \omega t$ – жинланаётган чигитли пахтадан хосил бўладиган қаршилик кучи; c_2, c_1 – қайишқоқ таянчнинг бикрлик коэффициентлари.

(5) ифоданитакрибий ечими қуйидаги кўринишда бўлади:

$$x = x_0 \sin \omega t - \frac{c_2 x_0^3}{32\omega^2 m \mu} (\sin \omega t - \sin 3\omega t) \quad (6)$$

Тизимнинг дастлабки параметрларини инобатга олиб чизикли бикрликдаги қайишқоқ таянчларнинг колосниклар тебранма ҳаракатларининг қонуниятлари олинди. Олинган натижаларни қайта ишлаш натижасида колосник тебранишлари қамров ўзгаришини қайишқоқ таянч бикрлик коэффициентини ўртача қиймати ўзгаришига қараб график боғланишлари қурилди, бунда колосник массаси 4,5 кг ва 4,1 кг, таъсир частотаси $\omega = 65c^{-1}$ ва $\omega = 40c^{-1}$ қилиб олинган.

Колосник тебранишини фарқини (размах) график боғланишлари кўрилади.

Тадқиқотлар таҳлили колосник массасини ортиши ω , Δx камайишига таъсири камайиб боришини кўрсатмоқда. Бу колосник массасининг катталигида унинг инерцияси ҳам ортади ва ΔX қийматини доимий катталик (2.0-2.4мм) яқинлашиши билан изоҳланади.

Чигитли пахтани колосникларга импульсив таъсири натижасида қайишқоқ таянчларнинг деформацияси содир бўлади. Колосник таянчлари деформациясининг келтирилган қийматини аниқлаш учун чигитли пахта колосник билан зарба вақтидаги кинетик энергияси деформацияланаётган таянчнинг потенциал энергиясига ўтиши кузатилади

$$T = \frac{mV_y^2}{2}; \quad \Pi = \int_0^{x_{\max}} (c_1 x + c_2 x^3) dx \quad (7)$$

бу ерда T - чигитли пахта ва колосникнинг кинетик энергияси; m – чигитли пахта ва колосникнинг умумий массаси; V_y – чигитли пахта колосникга урилиш тезлиги; c_1 - қайишқоқ таянчнинг бикрлик коэффициентини чизикли ташкил этувчиси; $c = \frac{c_2}{\mu}$ – бикрлик коэффициенти ноцизикли ташкил этувчиси, Π - дефармацияланаётган қайишқоқ таянчнинг потенциал энергияси.

Чизикли бикрликка эга қайишқоқ таянчли колосникнинг тебранишлар даври қуйидаги ифода орқали аниқланади :

$$t_k = 4\sqrt{m} \left[6,28 \sqrt{\frac{1}{c_1} + \frac{1,8541}{\alpha \sqrt{c_2^2 / \mu}}} \right]$$

бу ерда μ - қайишқоқликни ноцизиклигини ҳисобга олувчи коэффициент, m^2

$\rho_2 = 2\pi/T$ ни ҳисобга олган ҳолда эркин тебранишлар частоталари


$$\rho_k = \frac{0,25a\sqrt{c_1c_2/\mu}}{\sqrt{m(2\pi\alpha\sqrt{c_2/\mu} + 1,85\sqrt{c_1})}}$$

Колосник тебранишларини резонансгача бўлган даврда амалга ошириш муҳум аҳамият касб этади, чунки колосник тебранишларининг хусусий частотаси, келтирилган масса ва амплитудага боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Сонли ҳисобларни олиб боришда параметрларни боўланғич кирувчи қийматлари куйидагича қабул қилинган $m = 3,8 - 4,2 \text{ кг}$; $c_1 = 2,5 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$; $c_2 = 1,2 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$; $\mu = (0,5 - 1,0) \text{ м}^2$; $a = (1,0 - 1,2) \cdot 10^{-3} \text{ м}$


Амплитуданинг қиймати $0,5 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ ва $m_k = 4,5 \text{ кг}$ бўлганда тебраниш даври $t_k/t_n = 1,9$ ни ташкил этади. Бу эса колосникнинг тебранишлар амплитудаси тебраниш даври ва частотасига таъсири сезиларли эмаслигини кўрсатади. Колосник массасига чигитли пахтанинг ўртача массасига қўшилгани инобатга олинган.

6-расмда қайишқоқ таянчнинг бикрлик коэффицентини ўзгаришини колосник тебранишини хусусий частотасига боғлиқлик графиклари келтирилган (хусусий частотани қийматини ҳисобий қийматга нисбати). Графиклардан кўриниб турибдики, қайишқоқ таянчнинг бикрлигини ортиши тизимнинг хусусий частоталарини ночизикли қонуният асосида ортишига олиб келади.



1 - $m_k = 4,5 \text{ кг}$; 2 - $m_k = 4,1 \text{ кг}$

5-расм. Колосникнинг нисбий тебраниш даврини максимал амплитуда қийматига боғлиқ графиклар



1- $\rho_k / \rho_n = f(c_1), c_2 = 1,5 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$;
 2- $\rho_k / \rho_n = f(c_1), c_2 = 1,2 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$;
 3- $\rho_k / \rho_n = f(c_2), c_1 = 2,5 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$;
 4- $\rho_k / \rho_n = f(c_2), c_1 = 2,1 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$;
 $m = 4,2 \text{ кг}$

6-расм. Колосниклар хусусий тебранишларини частотасини ночизикли қайишқоқлик коэффицентига боғлиқлик графиклари

Қайишқоқ таянчнинг ночизиклиги резина прокладкаларнинг жойлашувига боғлиқ. Бикрлик коэффицентини $c_2 = 1,3 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$ бўлганда c_1 ни $1,0 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$ дан

$3,8 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$ ортириш оқибатида боғлиқлик частотасини қиймати $\rho_k / \rho_n = 1,12$ да $2,21$ гача, деярли 2 марта ортади. c_2 нинг қиймати $1,2 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$ гача камайиши колосникларнинг хусусий частоталарини ортиш интенсивлигини пасайтиради.

Юқоридаги тахминлар бўйича ўрганилаётган тебранишлар тузилишида қуйидаги параметрлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. $c_2 = (1,0 \div 1,2)10^4 \text{ Н/м}$, $c_1 = (2,5 \div 3,0)10^4 \text{ Н/м}$, $m_k = (3,5 \div 4,0) \text{ кг}$.

Диссертациянинг «**Ишчи камера ва хомашё валиги тезлаткичи параметрлари ҳисоби**» деб номланган бешинчи бобда назарий тадқиқотлар натижалари тезлаткичнинг параметрини аниқлиги бўйича ҳисоблар келтирилган. Юқори намликдаги чигитли пахта жинлаш учун уни ишчи камера ишчи органларни юзаларини қиздириш орқали қуритиш (қиздириш) тавсия этилган.

Намлик ажратиш бўйича ишчи камерани талаб даражасидаги иш унумдорлигини таъминлаш учун юқори намликдаги чигитли пахта узатилиши керак бўлган иссиқлик миқдори қуйидаги ифода орқали аниқланди:

$$Q = \alpha_v \cdot \Delta T_{cp} \cdot V_k \cdot K \quad (8)$$

бу ерда α_v - иссиқлик узатишнинг хажмий коэффициентини;

Пахтага берилган иссиқлик миқдорини характерловчи α_v - коэффициент, ушбу ишчи камера ҳажмига нисбатини ($\text{м}^3 \cdot r \cdot \text{град}$) ифода қилади; ΔT_{cp} – чигитли пахта ва ишчи деворларнинг хароратлари орасидаги ўртача фарқ. V_k - ишчи камера ҳажми (м^3); K - аррали жин хомашё валиги зичлигини ифодаловчи ўлчамсиз коэффициент ($k=0,8 \dots 1,0$).

Иссиқлик узатишнинг хажмий коэффициентини. α_v аррали жин ишчи камерасидаги юқори намликдаги чигитли пахта қайта ишлаш жараёнида иссиқлик узатишни инобатга олган ҳолда қуйидаги ифода орқали ҳисобланади:

$$\alpha_v = \alpha'_v + \alpha''_v \quad (9)$$

α'_v - ишчи камеранинг қиздирилган юзаларидан чигитли пахта томонидан қабул қилинган иссиқликни ҳисобга олувчи коэффициент;

α''_v - ишчи камера юзаларини қиздирилишидан ҳосил бўлган иссиқликни аррали цилиндр айланиши ҳисобига ҳосил бўлган иссиқ хаво оқимидан чигитли пахта томонидан қабул қилишини ҳисобга олувчи коэффициент.

Юқоридаги иссиқлик узатиш коэффициент α'_v ва α''_v қуйидаги ифода орқали ҳисоблаб топилади:


$$\alpha'_v = \alpha'_k \cdot F_{xk} (T_{ck} - T_{cpх.с}); \alpha''_v = k_1 \alpha'_v \cdot F_{xl} \quad (10)$$

бу ерда F_{xk} - ишчи камера деворлари билан таъсирда бўлган чигитли пахта умумий юзаси; α'_k - чигитли пахта ишчи камера деворлари билан контакт ҳосил бўладиган иссиқлик узатиш коэффициенти; T_{ck} , T_{cp} - мос равишда ишчи камера деворларининг ва чигитли пахта хароратлари қиймати; k_1 - хомашё валигини зичлигини, чигит ва чигитли пахта хаво оқими таъсирини камайишини ҳисобга олувчи коэффициент. ($k_1=0,07 \dots 0,1$).

α'_v - иссиқ хаводан иссиқликни чигитли пахтага узатишни белгиловчи коэффициент; F_{xl} - аррали цилиндр томондан ҳосил бўладиган иссиқ хаво оқими таъсир қиладиган чигитли пахта умумий юзаси.

Жин хомашё камерасида иссиқликни ҳажмий узатиш коэффициентини асосий ташкил этиувчиси $\alpha'_v = (65, \dots 94,7)\alpha_v$ га тенг бўлганда.

Аррали цилиндр айланиш частотаси ортиши пахтани хомашё камераси деворлари билан контакт вақти камаяди, лекин контакт қилувчи толали чигитлар сони кўпаяди. Бу эса α'_v ни ортишига олиб келади. Шунинг учун пахта хомашёси $T_{ск}, T_{ср}$ температуралари фарқини ошириш мақсадга мувофиқдир.



бунда $n_{ц} = 700 \text{ мин}^{-1}$;
 $n_{ц} = 730 \text{ мин}^{-1}$;
 $n_{ц} = 760 \text{ мин}^{-1}$;

7-расм. Аррали жин хомашё валида иссиқлик узатиш ҳажмий коэффициентини ташкил этиувчилари (аррали цилиндрни турли айланиш частоталарида)

